

9-10-2019

ANTHROPONYMS AND THEIR SEMANTIC PROPERTIES IN LITERARY TEXT.

Usarjon Usufjanovich Ismailov
Namangan institute of engineering and technology

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Ismailov, Usarjon Usufjanovich (2019) "ANTHROPONYMS AND THEIR SEMANTIC PROPERTIES IN LITERARY TEXT.," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 6 , Article 58.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss6/58>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ANTHROPONYMS AND THEIR SEMANTIC PROPERTIES IN LITERARY TEXT.

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

АНТРОПОНИМЛАР ВА УЛАРНИНГ БАДИЙ АДАБИЁТДАГИ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ.

Исмаилов Ўсарбек Юсуфжонович
Наманган Муҳандислик Технология Институту

Аннотация: Мақолада бадий адабиётдаги антропонимларнинг тугган ўрни, семантик хусусиятлари ва ўзида мужассам қилиб келган персонаж ёки образнинг таснифини қай ҳолда китобхонга етказиб бериши таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Ономастика, антропоним, лингвистика, таржимашунослик, шахсий исм, бадий адабиёт, бадий ономастика

АНТРОПОНИМЫ, И ИХ СЕМАНТИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА В ХУДОЖЕСТВЕННОЙ ЛИТЕРАТУРЕ.

Исмаилов Усарбек Юсуфжанович
Наманганский инженерно технологический институт

Аннотация: В статье анализируется роль антропонимов в художественной литературе, их семантические особенности, характеристика персонажей или образа которую создают и передают читателю.

Ключевые слова: Ономастика, антропоним, лингвистика, переводоведение, личное имя, художественная литература, литературная ономастика

ANTHROPONYMS AND THEIR SEMANTIC PROPERTIES IN LITERARY TEXT.

Ismailov Usarjon Usufjanovich
Namangan institute of engineering and technology

Abstract: The article analyzes the role of anthroponyms in literary text, their semantic features, and the characteristics of the characters or the image that they create and convey to the reader.

Keywords: Onomastics, anthroponym, linguistics, translation studies, personal name, fiction, literary onomastika

Замонавий лингвистикада “антропоним” тушунчаси турли хил талқинларга эга. Антропонимика юнонча *anthropos* - одам ва *опута* – исм, яъни ономастиканинг антропонимларни ўрганадиган бўлими. Антропонимика ономастикадан XX асрнинг 60-70 йилларида ажралиб чиқган. XX асрнинг 60 йилларигача тадқиқотчилар томонидан антропонимика термини ўрнида ономастика термини ишлатилган. Ўз ўрнида антропоним бу – шахсга берилган шахсий исм (турдош от), унинг отасининг исми (патроним, отчество), оиласининг исми (фамилия), унинг ижтимоий ҳолатидан келиб чиққан тахаллуси ёки лақаби, уни муайян бир гуруҳдан ажратиб олиш учун ишлатиладиган расмий ҳамда норасмий номланишидир. Ҳар бир миллат барча даврларда ўзининг антропонимиконига, яъни шахсий исмлар реестрига эга бўлган. Антропонимлар мажмуаси антропонимия деб аталади. Айнан

антропоним (шахсий исм) шахсларни индивидуаллаштириб бир-биридан ажратиб олишимизга ёрдам беради. Аммо исмлар реестри чекланган бўлиб исмлар такрорланиб келади, бу эса исмларга қўшимча исмлар қўшишни тақозо қилади. Ривож топган жамиятда кишининг аталиш формуласи мавжуд, яъни кишининг мавқеиغا кўра антропонимларнинг кетма-кетлиги (кишининг ижтимоий келиб чиқиши, насл-насаби ва машғулоти турига қараб). Бундай номланиш формуласи қадимги Римда даврларидан мавжуд бўлган ва қуйидагича шакл топган: *praenomen* (шахсий исм) + *nomen* (насл-насаби) + *cognomen* (лақаби) + (ва айрим ҳолларда қўшимча ном) *agnomen*. Масалан: Publius Cornelius Scipio Africanus major. Ҳиндистонда эса бу формула уч ва айрим ҳоллардагина ундан кўп компонентлардан ташкил топади: 1- қайси бурж остида туғилганлиги, 2- жинсининг кўрсаткичи ва 3- қайси диний оқимга тегишлилиги ёки лақаби. Масалан: Рабиндранат Тагорнинг исми қуйидаги компонентлардан ташкил топган : Рабиндра –Қуёш Худоси, Натх – эр, Тхакур – ер эгалари. Кишини қандай номлаш ҳар бир миллат ёки этноснинг нутқ бирлиги, нутқ кўникмаси ва нутқ маданияти асосида шаклланади. Антропонимика кишининг исми ўзида мужассам қилган маълумотни яъни, инсоннинг хулқ атвори, унинг насл насабини, миллати, машғулоти тури, келиб чиқиши, қаерданлиги ва қайси динга тегишли эканини ўрганади. Шунингдек антропонимика нутқдаги антропонимнинг функциясини яъни, кишининг ёши улғайиши билан исмининг ўзгариши, оилавий аҳолига кўра ўзгариши, жамиятнинг ўзгариши билан ўзгариши, бошқа миллат орасида яшаши билан ўзгариши, бирор бир жамият ёки ташкилотга аъзо бўлиши ва бошқалар билан боғлиқ киши исмининг ўзгаришини ўрганади.

Чет эл адабиётини таржима қилишда таржимонлар кўпинча антропонимларни тўғри таржима қилишда муммога дуч келдилар. Муаммо шундаки таржима қилинаётган асардаги қахрамон исми ёки фамилиясида яширинган маъно ва мазмун оригинал тилига максимал даражада яқин бўлиши керак ва таржимада жарангдор талафузга эга бўлиши керак.

Таржимада вужудга келадиган қийинчиликлар ва хусусан шахсий исмлар ва антропонимлар таржимаси ҳақида Н.К. Габровский ўзининг “Теория перевода” номли ишида қуйидагича ёзган эди, «несмотря на внешнюю простоту, заставляют переводчиков задуматься над тем, какой выбрать эквивалент для их передачи на языке перевода» яъни “ўзининг ташқи кўринишидан соддалигига қарамасдан, таржимонларни, таржима тилида етказиб бериш учун қандай эквивалент ишлатиш устида ўйлашга мажбур қилади”. [1]

Тил ва маданият бирлиги бўлган антропоним, ўзида шахсни ўрганиш учун улкан манбага эга. Бадий адабиётда мохирлик билан танланган исм нафақат асар қахрамонини, балким у асардаги воқеяликнинг ёрқин ифодаланган мазмунини, яширинган муҳитни, миллий, маҳаллий ва ижтимоий хусусиятни, тарихий даврни ифодалаб келишиши мумкин.

Бадий адабиёт қахрамонлари исmlарини стилистик функциясига кўра синфларга ажрата туриб, Л.М. Щетинин исmlарни қуйидаги гуруҳларига ажратади: нейтрал исmlар, ифодаловчи исmlар, тақлидий исmlар ва ассоциатив исmlар.

Юқорида айтиб ўтганимиздек исмлар реестри чекланган бўлиб, улар такрорланиб келиши сабабли киши ёлғиз ўзига тегишли исмга эга бўлиши мумкин эмас (айрим истисно ҳоллардан ташқари), исм ва фамилиялар шунингдек бошқаларга ҳам тегишли бўлади. [2]

Таниқди поляк лингвисти Т. Милевский барча антропонимик системаларни уларнинг ташкил этувчи аъзоларининг сонига қараб синфларга ажратган: бир аъзолик исмлар, икки аъзолик исмлар ва уч аъзолик исмлар. Инглизлар ва америкаликлар икки аъзолик антропонимик моделга эга, яъни исм ва фамилия. Шунингдек инглиз ва америкаликларда бирор бир қариндоши, чўқинтирилган отаси, чўқинтирилган онаси ёки тарихий шахс ва шу қабила шарафига атаб иккинчи исм бериш урфи ҳам мавжуд. Бунга хушмомилалик юзасидан исмлар олдидан қўйиладиган учинчи компонентни (Mr., Miss, Mrs., Ms., Madam.) қўшиб қўйилса ҳам бўлади.

Шунингдек бадий адабиётда ҳам ономастиканинг тутган ўрни беқиёсдир. Ономастикасиз адабиётни тасаввур қилиб бўлмайди. Инглиз ва америка антропонимларининг мураккаблиги шундан иборатки, уларнинг микросистемаси бир ҳил шахсий исм ва номлардан ташкил топмаганлиги. Инглиз тилида тўлиқ шахсий исм ва номлардан ташқари, шу исмлардан ташкил топган чексиз деривативлардан фойдаланилади.

Деривативлар барча номларни, яъни асосий номни, қисқартма номларни, эркаловчи номларни, кичрайтма номларни, фамилияр номларни (short forms, pet names, diminutives, familiar names) хуллас аниқ дифференцияга бўйсинмайдиган номларни бирлаштиради.

Хусусан, В.А. Никонов қуйидагича таъриф беради: «Персонажнинг номи бадий образни яратадиган восита бўлиб, у персонажнинг ижтимоий мансублигини ифодалаб, миллий ва маҳаллий колоритни етказиб беради, агарда воқеялик ўтмишда содир бўлган бўлса, у ҳолда тарихий ҳақиқатни қайта тиклаши (ёки агарда исм ҳақиқатга зид равишда танланган бўлса, уни йўқ қилиши) мумкин.» [3]

Ю. Карпенко, шахсий исмларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишда бадий ономастиканинг бешта ўзига хос хусусиятлари таъкидлайди [4]:

1. Бадий ономастика иккинчи даражали. У мавжуд миллий ономастика фонидида пайдо бўлади ва унга таянади. Ёзувчи ўзи ихтиёр қилган ҳолда ҳам тилда мавжуд ономастикадан ва ономастик меъёрлардан воз кечолмайди. Албатта, ёзувчи ҳар доим ҳам тилда мавжуд ономастик манбалардан фойдаланавермайди. Кўпинча у хаёлидаги бадий образни яратиш учун ономастик ижодкорликка юзланади. (масалан: Фиглярин, Хлестаков). Лекин бу ерда ҳам тилнинг умумий ономастик тизими ёзувчига ўз моделлари ва нормаларини тақдим этади. Ёзувчи ономастик моделларни ўзи хоҳлаганича ўзгартириши мумкин, ўзи хоҳлаганича интерпретация қилиши мумкин, лекин у одатда ономастик birlikларни таниб олиш принципларини бузмайди. Чунки бадий адабиётдаги персонажларнинг исmlарини, географик жой номларини, асардаги воқеани, муайян бир жой (мамлакат, тил), вақт ва ижтимоий муҳит билан боғлаш керак бўлади. Шу сабабдан ёзувчи айрим ономастик нормаларга амал қилиши керак бўлади.

2. Муайян бир ном танлаш бу муаллифнинг ишидир. Ва бу ерда албатта субъектив омил жуда улкандир. Классик адабиётнинг олтин фондига киритилган барча асарлардаги номлар оптимал деб ҳисобланади.

1. Успенскийнинг ёзишича [5], албатта Онегинни Буянов деб атаб бўлмайди, чунки бу фамилия, образ билан мутлақо кераксиз зиддиятга кирган бўлар эди. Ю. Карпенконинг фикрича бадий адабиётдаги образ номи айнан шундай бўлиш керак деб таъкидлаш ноўрин. Бу албатта ёзувчининг ижодий ва мавкуравий қарашларига, шунингдек, ижтимоий ва ижодий тажрибасига боғлиқ. [6]

3. Бадий ономастика ҳар доим “гапиради”, яъни у ўз семантик функциясини бажаради. Лекин айнан нимани ва қандай “гапирганини”, адабиётшунослар битта асарни ҳар хил талқин қилганидек, ономастлар ҳам ҳар хил тушунадилар.

Ю. Тыняновнинг айтишича «Бадий асарда гапирмайдиган исмлар йўқ»

4. Адабий ономастика - бу нутқ факти. Адабий исм нутқдан тилга фақатгина у мустақил қўлланишга эга бўлганда ёки рамзга айланган ҳолда ўтиши мумкин (Дон Кихот, Гамлет, Обломов). Бунинг учун асарнинг машхурлиги жамиатнинг у ёки бу ижтимоий эҳтиёжи билан боғлиқ бўлиши керак.

Шу кунгача бир қатор таниқли лингвистлар бадий асардаги шахсий исмларни турли хил функциялари мавжудлиги ва шулардан айнан қайси бирига кўпроқ эътибор бериш кераклиги ва олға суриш кераклиги ҳақидаги фикрларни билдиришган, аммо лекин ҳар бир ёзувчи ўзининг ички дунёси, у ижод қилаётган вақт ва макон, унинг ижтимоий муҳитидан, тасавури ва тафаккурдан келиб чиқибгина ономастик бирликлардан ва нормативларидан фойдаланади. (Бунинг ортида қанча меҳнат ётганини ҳис қилиш учун биз қўлимиздаги тайёр асарга эмас, унинг муалиф қўлидаги қораламасига назар солишимиз керак.)

Демак бадий адабиётда муайян бир асар қаҳрамонининг ҳуқл-атвори, ижтимоий келиб чиқиши, миллатга мансублиги, яшаш ҳудудини ва жамиятда тутган ўрнини биргина антропоним орқали ифодалаш мумкин, бунда муаллифнинг моҳирлиги, (таржимоннинг топқирлиги) ва китобхоннинг тасавури талаб қилинади.

References:

1. Gabrovskiy N.K. Teoriya perevoda. M.: Izdatelstvo Moskovskogo universiteta, 2004, s. 269.
2. Shetinin, L. M. Slova, imena, veshi. Ocherk ob imenax. – Rostov: Izd-vo Rostovskogo un-ta, 1966. - 222 s.
3. Nikonov V.A. Imya i obshestvo / V.A. Nikonov. - M., 1974. – С. 234.
4. Karpenko YU. A. Imya sobstvennoe v xudojestvennoy literature
5. Uspenskiy L. V. Slovo o slovaх. Ti i tvoyo imya / L. V. Uspenskiy. – L., 1962.
6. Karpenko YU. A. Filologicheskie nauki. - 1986. - № 4. - S. 34-40.